



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “25” mart

Қ-207 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” массиви
“Қораёнтоқ” маҳалласи худудидан “SURXON
SENTR GAZ MONTAJ TA’MIR LOYIXA”
МЧЖга боғдорчилик ва мева-сабзавотчилик
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/140-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 04 ноябрдаги 01-05/175-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани “Оққўрғон” массиви “Қораёнтоқ” маҳалласи худудидан “SURXON SENTR GAZ MONTAJ TA’MIR LOYIXA” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 456 ва 457-дала контурларидаги жами 18,1 гектар, шундан 15,8 гектар яйлов ер, 2,27 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,03 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари боғдорчилик ва мева-сабзавотчилик учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га рухсат берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов